ХАТОНИНГ ДАВОМИ...

Менга паспорт берилаётган вақтда фамилиям рус тилидаги талаффузда ёзиб юборилган эди. Бу хато болаларимнинг фамилиясига ҳам ўтмоқда. Буни тўғрилаш учун нима қилсам бўлади?

5 бет

АДАШГАН АДВОКАТ

Обдон ўйлаб кўрган Н.Илёсова тушуниб етадики, адвокатнинг бу хатти-ҳаракатлари ноқонуний. Бир тўхтамга келган Н.Илёсова ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга тегишли тартибда ариза билан мурожаат қилади.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 1-noyabr, №44 (825)

Парламентда

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш" мавзусида брифинг бўлиб ўтди.

Брифинг ўтказилди

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Унда қайд этилганидек, "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устувор вазифалар доирасида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш ва муҳокамаларга тайёрлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг тегишли қарори билан Қўмита қошида махсус ишчи ва экспертлар гуруҳлари ташкил этилди.

Иккинчи ўқишга тайёрланаётган мазкур қонун лойиҳаси қонунчилик палатасининг қўмиталари ва сиёсий партияларнинг фракцияларида, шунингдек, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамалардан ўтмоқда.

Ўтказилган тадбирларда 300га яқин амалий таклифлар билдирилган бўлиб, бу таклифлар Қўмита қошида тузилган ишчи гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокамадан ўтган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Германияга қилган ташрифи доирасида Берлин ва Варшава шаҳарларида ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси интернет тармоғи фойдаланувчилари ўртасида ҳам қизғин муҳокама қилинди. Жойлаштирилган расмий веб-сайтлар билан 4000 дан ортиқ фуқаролар танишиб, уларнинг кўпчилиги лойиҳа юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришган.

Брифинг сўнггида, қонун лойиҳаси қўмита аъзолари томонидан Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида иккинчи ўқишда кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши ҳам маълум қилинди.

Бош прокуратурада

Навбатдаги комиссия йиғилиши



Жорий йилнинг 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, оналарнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш, тиббиёт муассасаларида моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш аҳволи ҳамда бу борада Сирдарё ва Наманган вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида замонавий тиббиёт техникаси билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, болалар шифохоналари, ихтисослаштирилган клиникалар, перинатал ва кенг тармоқли скрининг марказлари, янги туғруқхоналарнинг фаолияти йўлга қўйилиб, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати тубдан яхшиланганлиги қайд этилди.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида оилада тиббий маданиятни ошириш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳларга барҳам бериш, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги тадбирлар кўлами айниқса, жорий "Мустаҳкам оила йили"да янада кенгайганлиги эътироф этилди.

Сирдарё ва Наманган вилоятларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, бу борада ташҳис-даволаш ишларини самарали ташкил этиш, ногирон болаларни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари, хотин-қизлар ва маҳалла қўмиталари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва таълим идоралари ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга оширганлиги ҳам таъкидланди.

Шу билан биргаликда, йиғилишда соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан никоҳланувчи ёшлар, фертиль ёшдаги аёллар ва болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида малакали даволаш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб-маҳоратини ошириш, тиббиёт муассасаларида моддий-техника базасидан фойдаланишдаги айрим нуқсонларни бартараф этиш, бу борада тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазири, комиссия аъзоси А.Алимовнинг ҳисоботи тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

Жараён

Оила мустаҳкамлиги йўлида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида эътироф этилган бўлиб, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Шу маънода оила мустаҳкамлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йиллар давомида сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, кейинги ўн йил ичида аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар кўпайди. Иш ҳақи миқдорини ошириш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадларга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Шу билан бирга, ўтган даврда Юртбошимизнинг фуқаролар даромадини кўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ қилинди.

1998 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилиниб, оила манфаатлари учун барча манбалар бўйича 144,8 млрд. сўм маблағнинг ажратилиши, ушбу маблағнинг деярли ярми давлат бюджетидан қопланганлиги ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилди.

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши эса, юртимизда жамиятнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш ва шакллантиришга қаратилган, деб айтсак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, шу йил 27 февралда Президентимизнинг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилиниб, келгусида амалга ошириладиган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 1998 йил 1 сентябрдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича конституциявий нормаларга асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади оилани мустаҳкамлаш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатини қўриқлаш, вояга етмаган болалар ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоя қилишнинг устунлигини назарда тутиш ҳисобланади.

/Давоми 3-бетда/

Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013

Ҳурматли юртдошлар!

2013 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.



Нашр индекси – 231

Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013 • Обуна — 2013

Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелда қабул қилган «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бесабаб аралашмаслик, улар йўлига ғов бўлмаслик ҳақида. Дарвоқе, аввалги меъёрларда, микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятида режа асосида ҳар тўрт йилда бир марта текшириш ўтказилиши кўрсатиб ўтилган. Янги ташкил этилган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб икки йил давомида текширишлар режасига умуман киритилмаслиги белгиланган эди.

Тадбиркорга кенг йўл

Учқун ИНОЯТОВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Янги Фармонга кўра, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида солиқ текширишдан ўтказилмайди.

2011 йил 1 апрелдан 2014 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи тилга олинган Фармони ва 2011 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари текширишлар режасидан чиқарилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар улар фаолиятида учраётган муаммоларни ўрганиш мақсадида Республика Кенгашининг 2009 йил 6 мартдаги 1-сонли мажлиси йиғилиш баённига мувофиқ 2012 йил ҳар ойнинг охирги жума куни «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинди. Мақсад тадбиркорлар учун амалдаги меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунлари талаби асосида тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишига кўмак бериш ва ушбу соҳада тадбиркорликда дуч келаётган муаммоларни ҳал этишдир.

Жумладан, ўтган 2011 йил давомида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни»да 41 та тадбиркорлик субъектларидан мурожаатлар келиб тушиб, барча мурожаатлар белгиланган муддатда ҳал этилиб, қаноатлантирилди. Масалан, тадбиркорлар томонидан ўз фаолиятини кенгайтириш учун чет эл давлатларидан олиб келинган ишлаб чиқариш технологияларидан амалда фойдаланиш учун хориж мутахассисларининг жалб этилишига белгиланган тартибда рухсатнома олишда, ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш ва уларга амалдаги қонун талаблари асосида қулай меҳнат шароитларини яратиш, ходимлар учун берилиши лозим бўлган имтиёз кафолатларини қўллаш, ходимлар учун дам олиш, қўшимча меҳнат таътили ва бошқа меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишда тушунтириш ишлари ва амалий ёрдам берилган. «Газ савдо сервис», «Мехмашагро», «Традевелл интернейшнл» МЧЖларининг иш ўринларни шаҳодатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари ҳам ижобий ҳал қилинишига эришилди.

Ҳа, мустақиллик яратган имконият — соҳага яратиб берилаётган имтиёз ва қулайликлар, шунингдек, ташқи иқтисодий алоқалар борасидаги очиқ эшиклар сиёсати натижасида ўз бизнесини йўлга қўйишни мақсад қилган чет эл сармоядорлари сафи вилоятда тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, енгил автомобиллар учун фаралар ҳамда бутловчи қисмлар тайёрлашга ихтисослашган «Uqarqak import trade» хорижий корхонаси ҳам юртимизда ўз бизнесини йўлга қўйишни маъқул кўрган хитойлик ишбилармонларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари, тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этишнинг қўллаб-қувватланиши, бу борада яратилган ҳуқуқий кафолатлардан келиб чиқиб, мазкур корхона лойиҳаси ижроси учун бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ишонч билан йўналтирилди. Қолаверса, ушбу ҳудуддаги мукаммал муҳандислик инфратузилмаси йилига 117 минг тўпламда маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган технологияларни қисқа фурсатда ҳаракатга келтириш имконини берди. Айни чоғда, қувватларни ўзлаштириш жадал давом этяпти.

Хорижий корхонада маҳаллий ёшлардан 24 нафари меҳнат қилади. Замонавий технологик ускуналарни моҳирлик билан бошқараётган йигит-қизларнинг ғайратига ҳавасингиз келади. Улар қалбидаги чексиз фахр, касбидан, бажараётган юмушидан кўнгли тўла бу ёшларнинг мамлакат автомобилсозлик саноати ривожидаги иштирокидан, нафақат юртимиз йўлларини тўлдириб юрган, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораётган ўзбек автомобилларининг шуҳратидан дунёга келган. Меҳнат жамоаси иш бошлагандан буён ўтган икки ой ичида 6,6 минг тўпламда ёки 133,5 миллион сўмлик миқдордаги бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчиларга етказиб берди. Ўз навбатида, лойиҳанинг кейинги босқичини амалга ошириш тадбирлари ҳам бошлаб юборилган.

Хулоса ўрнида айтганда, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хуфиёна ишнинг миси чиқмай қолмайди

Муҳаммаджон Мўминов 32 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳаётда тўғри йўлни топа олмади. Муқаддам икки бор судланган, амнистия туфайли биринчисида жиноят иши ҳаракатдан тугатилган, иккинчисида тайинланган жазони ўташдан озод этилган. "Ишбилармон" ҳақ йўлига ўтиши учун кўрсатилган бу мурувватдан ўзига тўғри хулоса чиқармади. Ғайриқонуний қилмишларини давом эттираверди. М.Мўминов томонидан 2011 йилнинг 28 август куни таъсис этилган "ФАР ОНЛАЙН ИНДЕКС" хусусий корхонасининг 2012 йил февраль ойига қадар фаолияти ўрганилиб, текширишда аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Шавкатжон ЖЎРАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси катта инспектори
Боқижон ТУРСУНАЛИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Марғилон шаҳар бўлими катта инспектори

У Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги давлат рўйхати-дан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган корхона улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияни қўлга киритади. Корхона таъсисчиси томонидан 36 ёшли Дилшоджон Бурхонов раҳбар, ундан 3 ёшга кичик бўлган Шуҳратжон Маҳмудов бош ҳисобчи лавозимларига тайинланади. М.Мўминов ўзи сайлаган корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси билан жиноий тил бириктириб, улгуржи савдодан тушган жуда кўп миқдордаги нақд пул маблағларини банкдаги ҳисоб рақамига топширмасдан "айлантираверишади". 2011 йил мобайнидаги улгуржи савдо фаолияти бўйича Марғилон шаҳар ДСИга топширилган солиқ ва молиявий ҳисоботларда солиқ солинадиган киримларни қасддан салкам 502 млн. сўмга камайтириб кўрсатиб, 6 фоизли ставкада бюджетга тўланиши лозим бўлган 25,5 млн. сўм миқдордаги ягона солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашади. 2011 йил ноябрь ойидан 2012 йил февраль ойига қадар харидоргир маҳсулотларнинг улгуржи савдосидан тушган 1 млрд. 520 млн. сўмликдан зиёд пулларни назорат-касса машинасига кирим қилмай ва бу маблағларни банк муассасасига топширмасдан жуда кўп миқдорда савдо қоидаларини бузишади.

Уларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши суд мажлисларида батафсил кўриб чиқилди. Хусусий корхонанинг таъсисчиси М.Мўминов айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатма берди. Чиндан ҳам ҳисоботларда савдо ҳажмини камайтириб кўрсатгани, бунинг натижасида 2011 йил якуни бўйича 25,5 миллион сўм солиқни тўламагани фош этилгани, ростдан ҳам тўрт ой мобайнида 1,5 миллиард сўмликдан кўп савдо қилгани, банкка топширмаган нақд пулларига мол олиб сотиб, айлантирганини айтар экан, қилмишидан пушаймонлиги, ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Хусусий корхонага раҳбари Д.Бурхонов ҳамда бош ҳисобчиси Ш.Маҳмудовлар ҳам айбларига тўлиқ иқрор бўлишди. Корхона таъсисчиси - хўжайинининг буйруқларини бажаришиб, жиноятига шерик бўлиб қолганларини тан олишди.

Даъвогар Марғилон шаҳар солиқ инспекцияси ходими У.Тожибоев хусусий корхона раҳбарлари 25 млн. 449 минг сўм ягона солиқни қасддан тўлашмагани, дастлабки тергов мобайнида улар етказилган зарарни тўлиқ қоплашганини айтиб ўтди. Суд ишдаги ҳолатларга холис баҳо бериб, "ишбилармон"-ларга 3 йилгача бўлган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Қинғир ишнинг қийиғи...

2010 йил бошида замона зайлига боқиб, эзгу мақсадлар билан Андижон шаҳридаги "Чернобил" ижтимоий ўзаро ёрдам хайрия жамғармаси тасарруфида ташкил қилинган "Рондо транс плюс" номли шўъба корхонасига асос солган Қудратилло Ҳусанов, корхонага расмий раҳбарлик қилишни таниши Машҳурбек Исроиловга топширди.

Исакжон ҒОЗИБОЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Андижон вилоят бошқармаси катта инспектори
Умиджон МИРЗААБДУЛЛАЕВ,
Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими катта суриштирувчиси

Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай фаолиятини бошлаган вақтда қилган эзгу ниятлари эсидан чиқди.

Аниқроғи, М.Исроилов билан тил бириктириб, бажарилган иш ва хизматлар учун корхона ҳисоб рақамига тушадиган маблағлардан солиқ тўламаслик йўлларини ахтара бошлади. Қараса, қонунда бунинг учун имтиёз бор экан. Солиқ кодексининг 358-моддасига кўра, агар ишчи-хизматчиларнинг ярмидан кўпи, яъни 50 фоиздан ортиғи ногиронлардан иборат бўлса, корхона солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинар экан. Демак, 9-10 кишилик жамоада бундай имтиёзга эга бўлиш учун камида 5 нафар ногиронни ишга жалб этиш керак. Аммо бунча одам топилган тақдирда ҳам улар қурилиш корхонасида ишлашга рози бўлишармикан?

Қудратилло ўйлай-ўйлай бунинг ҳам йўлини топди. Яъни корхона ишчиларининг ярмини эмас, ўзидан бошқа ҳаммасини бир йўла ногиронлардан ташкил қилишга қарор қилди. Фуқаролар Г.Атабаев, Р.Ибрагимов, З.Джалилов ва Д.Юлдашевлар каби Чернобил АЭС оқибатларини бартараф этишда қатнашган турли гуруҳ ногиронларини аслида улар корхонада ишламасалар-да, корхонага ишчи сифатида сохта буйруқлар билан расмийлаштирди. Амалда эса улар ўрнига соғлом шахслар меҳнатидан фойдаланди. Сўнгра, Давлат солиқ инспекциясига корхона ишчилари асосан ногиронлардан иборат эканлиги, шунга мувофиқ, корхонани ягона солиқ тўловидан озод қилишни сўраб мурожаат қилди. Шу тариқа белгиланган имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиб, 2010 йил якуни бўйича бажарилган иш ва хизматлар учун корхона ҳисоб рақамига тушган маблағлар ҳисобидан 19 млн. 399 минг сўм ва 2011 йил 9 ойи якуни бўйича 17 млн. 625 минг сўмлик, жами 37 млн. 135 минг сўм миқдоридаги ягона солиқ тўловларини тўламади.

Бундан ташқари, Қ.Ҳусанов ва М.Исроиловлар фамилиялари юқорида қайд этилган Чернобил АЭС ногиронларини корхонада ишламасалар-да, ишчи сифатида ишга қабул қилинганликлари ҳақида сохта буйруқлар чиқаришган. Уларни мазкур буйруқлар билан танишганликлари ҳақидаги имзоларини сохталаштириб, уларга иш ҳақи ҳисобланган ҳақида сохта тўлов қайдномалари тузиб, тўлов қайдномаларига улар ўрнига ўзлари имзо қўйишган.

Қ.Ҳусанов ва М.Исроиловларнинг қинғирликлари узоққа бормади. Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ва ДСИ ходимлари томонидан "Рондо транс плюс" шўъба корхонаси фаолияти ўрганилганда, уларнинг қилмишлари фош бўлди.

Суд ҳукми билан уларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Оила мустаҳкамлиги йўлида



Аҳмед АҲМЕДОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Дарҳақиқат, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйилади. Оилада ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Шунинг баробарида оиланинг мустаҳкам бўлиши аввало оила қураётган икки ёшнинг саломатлиги, маънавий фазилатлари, оила ва жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларни чуқур англаб етишига боғлиқ бўлади. Оила мустаҳкам бўлсагина жамият тараққий этади. Оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин муносабатларини тартибга солувчи умуминсоний қадриятлар, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор, оилага садоқат асосида "Никоҳ азиз, оила муқаддас"лигини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Масалан, Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши(тугаши) ва уни ҳақиқий эмас, деб топиш шартлари ва тартибини белгилашини ҳамма ҳам билавермайди. Шу боис, ушбу масалага тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Хусусан, барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмайди.

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Аммо, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди.

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси, деб ҳисобланади. Бу шартнома никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Энди никоҳнинг бекор қилинишига келсак, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддаси талабига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади. Шу билан бирга, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбур. Эр ва хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга ярашишлари учун Оила кодексининг 40-моддасида кўрсатилган доирада, яъни олти ойгача бўлган муҳлат белгилашга ҳақли ҳисобланади. Суд яраштириш учун берилган муддатда, эр-хотинни яраштириш мақсадида зарур ҳолатларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган ҳудудлардаги хотин-қизлар қўмиталарига, маҳалла фуқаролар йиғини ва ўзини ўзи бошқариш органларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Шунингдек, оилани сақлаш манфаатида суд иккинчи марта ишни кўришни қолдиришга ва эр-хотинни яраштиши учун қонунда кўрсатилган олти ойгача бўлган муҳлат белгилашга ҳақли ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда айнан мана шу тамойилларга асосланган ҳолда иш юритилмоқда. Никоҳдан ажратиш ишларини кўришда асосий эътибор имкони борича оилаларни сақлаб қолишга ва етарли асосларсиз никоҳдан ажратишга йўл қўймасликка қаратилган бўлиб, биринчи галда оилани барбод бўлишга олиб келаётган шарт-шароитларни аниқлаб, эр-хотиннинг нолойиқ хатти-ҳаракати ҳамда оиланинг бузилишига сабабчи бўлган шахслар устидан алоҳида ажримлар чиқарилмоқда. Шунингдек, бу муаммоларни ечишда ёрдам бериш учун ажрим нусхалари уларнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойларидаги хотин-қизлар қўмиталарига юборилмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят ва туманлараро судлари томонидан Оила кодексининг 40-моддаси талаблари бўйича ўтган йил давомида 1064 та иш юзасидан эр-хотинга ярашиб олишлари учун 6 ойгача бўлган муҳлат берилган бўлиб, 330 та хусусий ажрим чиқарилиб, яраштириш чораларини кўриш учун тегишли идораларга юборилган. Натижада кўплаб эр-хотинлар яраштирилиб, барбод бўлиш арафасидаги оилалар сақлаб қолинди.

Масалан, суд томонидан 2012 йил 11 январь куни чиқарилган ажримга асосан, А.Эркабаевга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво ариза билан судга мурожаат қилган фуқаро Н.Нарбаева билан унинг турмуш ўртоғига ярашиб олишлари учун олти ой муҳлат берилган ҳамда ажрим нусхаси уларнинг яшаш жойларидаги маҳалла фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар қўмиталарига юборилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида тарафлар ярашиб, бир оила сақлаб қолинди.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг талабларига асосан, оиладаги вақтинчалик келишмовчилик, тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан низолар, шунингдек, жиддий сабабларсиз эр-хотиннинг бирининг ёки икковининг никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги ҳам никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди.

Бунга мисол қилиб, Б.Зоитовнинг Д.Зоитовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини келтириш мумкин. Суд тарафлар 2008 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликлари, ўртада нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, улар ўртасида уруш-жанжаллар бўлмаганлиги ва ниҳоят жавобгар оилани сақлаб қолмоқчи эканлигини эътиборга олиб, жорий йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризани ҳақли равишда рад қилган.

Оила кодексининг 42-моддасига кўра эса, вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик далолатномаларини ёзиш органларида ажратилади. Суд бундай ҳолатларда иш юритишни тугатиб, тарафларга ФҲДЁ органига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Бундай ҳолатни Г.Эргашевага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисида судга даъво ариза билан мурожаат Ж.Эргашев мисолида кўриш мумкин. Суд томонидан тарафлар ўртасида фарзанд йўқлиги, эр-хотин ажралишга рози эканлиги аниқлангач, суднинг ажрими билан фуқаролик ишини юритиш тугатилди ва тарафларга никоҳдан ажратиш масаласида ФҲДЁ органига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, миллатимиз равнақи, эртанги кунимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг бахту камоли учун ҳаракат қилаётган эканмиз, оилаларимизнинг мустаҳкамлиги аввало ўз қўлимизда эканлигини, оила қураётган ёшлар ҳамда ёш оилаларга ўрнак бўлишимизни зинҳор унутмаслигимиз лозим.

Осойишталигимизга кўз тегмасин

Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Улар орасида Чимбой туман прокурори Даулетбой Елмуратов ҳам бор эди. Уни мукофот билан табриклаб, суҳбатга тортдик.

— Даулетбой Маркабоевич, мукофотлар муборак бўлсин!

— Раҳмат. Даставвал, Президентимизнинг менинг камтарона хизматларимни юқори баҳолаганидан, шундай юртда яшаётганимдан бағоят хурсанд бўлдим. Юртимизда инсон меҳнатининг чин маънода қадрланишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Омонлик бўлса, бундан кейин ҳам халқимга ҳалол, сидқидилдан хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

— Устозларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳаммамиз ҳам мактабга борганмиз, ўқиганмиз. Сизга биринчи ҳарфни, рақамни ўргатган устозингиз сира-сира эсингиздан чиқмайди. Меҳри тошқин устозларнинг бу меҳнатларини унутиб бўладими? Нукус шаҳридаги 32-сон мактабда ўқиганман. Биринчи ҳарф танитган ўқитувчим Пердагул опа эди. Устозимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ўқувчилик йилларимда ўқитувчим, синф раҳбаримиз Рўза Ортиқованинг менга берган кўпгина ўгит-насиҳатларига ҳалигача амал қилиб келаяпман. "Ҳаётда хеч қачон виждонингни сотма, ҳақиқатдан кўз юмма" дерди у.

Вақт ўтди. Ўрта мактабни ҳам, олийгоҳни ҳам тугатдик. Мустақил ҳаёт йўли бошланди. Меҳнат фаолиятим давомида мен моҳир ҳуқуқшунослар билан бирга ишлаб, улардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Мен бугун Ҳакимбой Ҳалимовни, Жиенбой Норимбетовни, Салом Самадовни, Султонбой Бердиқуличев ва Тенгел Бекмуратовларни ўзимга устоз деб биламан. Улар ҳамиша соғ-саломат бўлишсин.

— Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича туман прокуратураси томонидан олиб борилаётган ишларга тўхталсангиз.

— Оллоҳга шукурки, халқимиз тинчликсевар халқ. Осойишталикни хуш кўради. Туманимизда умуман жиноят содир этилмади дея олмайман. Учраб туради. Оилавий келишмовчилик, қўшнилар ўртасидаги майда-чуйда ғиди-бидилар дегандай...

Ўтган даврда баъзи жиноят турлари ошган бўлса ҳам ўғрилик, баданга қасддан шикаст етказиш, автоҳалокат, вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар умуман содир этилмади.

Туманимиздаги Қўштерак овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги 3-сонли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида йилнинг ўтган даврида бирон-бир жиноятчилик, қонунбузарлик рўйхатга олинмади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг профилактик ишларни яхши йўлга қўйганликлари самараси деб ўйлайман. Мазкур йўналишдаги ишимизни янада кенгайтириш чораларини кўрмоқдамиз.

— Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Шундан келиб чиқиб, фуқароларга қандай маслаҳатлар берасиз?

— Бу саволингизга қисман бўлса ҳам юқорида жавоб бергандайман. Эришган муваффақиятларимизга, муаммоларимизга мисол келтирдим. Қаерда ҳуқуқий таълим-тарбия кучли бўлса, у ерда жиноятчилик, қонунбузарлик содир этилмайди. Ёки кам учрайди. Мазкур ҳолатлар мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан эътиборга олиниб, бу борада қатор Фармон ва қарорлар чиқарилгани, ҳаётга татбиқ этилгани фикримиз далилидир.

Тўғриси, прокуратурамизга фуқаролар турли-туман масалалар юзасидан мурожаат қиладилар. Биз уларга аризанинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда маслаҳатлар берамиз. Жорий йилнинг 9 ойи ичида бизга алоқадор бўлган 34 нафар фуқаронинг ишини кўриб чиқдик ва тегишли ёрдамларимизни бердик. Уларнинг 6 таси меҳнатга доир қонунлар юзасидан, 12 таси ижтимоий ҳимоя масалаларига доир, 1 таси уй-жой бўйича, 3 таси тадбиркорлик ҳуқуқларига доир, қолганлари эса бошқа масалалар бўйича ўз ижобий ечимини топди.

— Тилак-истакларингиз?

Тилагим — Ватанимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин, юртимиз келажаги порлоқ бўлсин, осойишталигимизга кўз тегмасин!

Нуриддин ОҚНАЗАРОВ суҳбатлашди




Келажагимимиз эгаларига эътибор

Юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада қабул қилинган дастурлар бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида келажагимиз ворислари замонавий билимларни эгаллашида, ўз қобилият ҳамда иқтидорларини намоён этишида тўлақонли шарт-шароитлар яратилди. Шу боис ҳозирда мактаб, коллеж ва лицейларда таълим олаётган фарзандларимиз ноёб ҳунарлар сирини билиши, компьютерни мукаммал ўрганганлиги, хориж тилларида бемалол гаплаша олиши билан дунёни забт эта бошладилар.

Муҳаррам ҲАМРОЕВА,
Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Самарқанд шаҳрида бугунги кунда ўнлаб мактаб, лицей ва коллежлар фаолият юритаяпти. Уларда минглаб ёшлар таълим олмоқда. Уларнинг ҳуқуқий ҳимояси эса доимо эътиборда ва назоратда десак муболаға бўлмайди. Шаҳар прокуратураси жамоаси ҳам бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият олиб бораяпти. Айниқса, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлари дастури ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, болаларнинг маънавий соғлом ривожланишини таъминлаш мақсадида турли зўравонликни тарғиб қилувчи кино-видео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва намойиш қилишнинг олдини олишда доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.



Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни турли салбий оқимлар таъсиридан сақлаш борасида "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши, шаҳар бош имом хатиблиги, прокуратура, Маънавият ва тарғибот маркази шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда шаҳардаги бир қанча мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида "Изтироб" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ўқувчи ҳамда талабаларга диний экстремизм ва унинг салбий оқибатлари ҳақида тушунчалар берилаётир. Улар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, мазкур тадбирлар доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб келинаяпти.

Ачинарлиси, давлатимиз томонидан яратиб қўйилган бундай имкониятлардан айрим ёшларимизнинг етарлича фойдалана олмаётгани кишини таажжубга солмоқда. Бу каби ўқувчилар эътиборсизлик сабаб дарсларга мунтазам қатнашмаяптилар. Бундай ҳолатлар, сабабсиз дарс қолдираётган ўқувчиларга, уларнинг ота-оналарига ва ўқитувчиларига кескин чора кўришни тақозо этмоқда. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи кишилар томонидан болаларни мажбурий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим олишлари учун шароит яратиб бермаганларига маъмурий жавобгарлик тортиш белгиланган. Жумладан, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарорига асосан Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Мажид Ойдинов сабабсиз дарсларга қатнашмаганлиги учун унинг онаси Г.Суфановага 217 минг 65 сўм, яна бир талаба Э.Саидов ҳам бу ҳолатни такрорлаганлиги боис унинг онаси Р.Худоёровага 144 минг 710 сўм жарима солинди.

Шунингдек, шаҳардаги "Сиёб" ҳамда "Темирйўл деҳқон бозор"ларида ўтказилган турли тадбирларда Жомбой озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи талабаси С.Ибрагимов, Пайариқ касб-ҳунар коллежи талабаси Э.Ражабов, Ургут политехника касб-ҳунар коллежи талабаси С.Мариповлар дарсларга бормасдан ҳар хил ишлар билан шуғулланиб юрганлиги маълум бўлди. Улар ўртасида тарбиявий тушунтириш ишлари олиб борилиб, коллежларига қайтарилди.

Яна бир ҳолат, айрим коллеж ўқитувчиларининг чет элга ишлашга кетган ўқувчиларга асоссиз равишда баҳо қўйиб берганига нима дейсиз?. Самарқанд шаҳридаги Боғишамол саноат коллежининг компьютер графикаси ўқитувчиси Н.Ғафуров ўқувчи Илҳом Фозилов Россия Федерациясига ишлашга кетган бўлса-да, унга якуний имтиҳонда "4" баҳо қўйиб берган. Шу сабабли, Самарқанд шаҳридаги касб-ҳунар коллежларида ўқиб, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасига ишлаш учун чиқиб кетган ўқувчиларнинг ота-оналари билан бевосита суҳбатлар ўтказилди. Уларга фарзандлари олдидаги мажбуриятлари ва жавобгарликлари айнан мавзуга оид видеороликлар билан тушунтириб берилди.

Болани ёш ниҳолга таққослашади. Боиси, ердан чиқиб кўкка бўй чўзаётган ниҳол шамол қайси томонга эгса эгилаверганидек, ёшларимизни турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишлари ҳам осон. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда эса прокуратура органлари ходимлари кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Келажак авлодларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, дунёвий, илмий ва ахлоқий савиясини ошириш, уларни сохта диний ғоялар ва ақидапарастликка қарши мустаҳкам тафаккурини шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаблари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги мактабларда "Биз диний экстремизм ва фундаментализмга қаршимиз" мавзусида маънавий-маърифий тарғибот ишлари олиб борилди. Ёшларимизнинг тарбиясига масъул бўлган ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда шаҳардаги 45-мактабда, банк коллежида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда йиғилганларга бу борадаги қонунларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, керакли тавсиялар берилди. Шунингдек, "Ватанпарвар" ташкилоти Самарқанд бирлашган техника мактабида таҳсил олаётган курсантлар ўртасида ҳам "Терроризм тараққиёт душмани" ва "Огоҳлик ва сергаклик давр талаби" мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди.

Бугуннинг энг муҳим масалаларидан бири, битирувчиларни иш билан таъминлашдир. Шунинг учун "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркалари мунтазам ташкил этиб турилибди. Таълим муассасаларида давоматни яхшилаш, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида таҳлиллар ўтказиб борилиб, шу бўйича турли тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, йил давомида меҳнат бозори эҳтиёжларини инобатга олиб, ишсизларни, жумладан, коллеж битирувчиларини барқарор иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган режага асосан йил давомида 10 маротаба "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркасини ўтказиш жадвали ишлаб чиқилган.

Белгиланган тартиб бўйича жорий йилда Самарқанд "Сино" очиқ акциядорлик жамиятида, Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежида, вилоят "Ёшлар маркази" биносида, Самарқанд ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ихтисослаштирилган "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда қатнашган битирувчиларнинг кўпчилиги ўзларига ёққан ишни топишган бўлса, баъзилари бу борада ҳуқуқий маслаҳатлар олишди.

Шунингдек, шаҳардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида доимий фаолият юритувчи "Вояга етмаганлар ишлари бўйича" тарғибот гуруҳлари тузилиб, уларнинг хизмат вазифалари белгилаб берилди ва тасдиқланди. Меҳнат инспекторлари томонидан 191 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар учун ташкил этилган "Ишга марҳамат" бурчакларида бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар бериб борилмоқда.

Болаларни асраб-авайлаш келажагимизни асраш демакдир. Бу борада айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳардаги 27 та йирик саноат корхона, ташкилот ва муассасаларининг мутасадди ходимларига 16 ёшгача бўлган шахсларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, ногиронларнинг 25 нафари протез-ортопедия воситалари ҳамда 4 нафари корсет билан таъминланди. Хусусан, шаҳар прокуратураси ташаббуси билан ҳомийлар кўмагида "Галосиё" маҳалласида яшовчи 2006 йилда туғилган М.Тўхтаевага, "Боғимайдон" маҳалласида яшовчи 2004 йилда туғилган Х.Тешақуловга, "Боғибаланд" маҳалласида яшовчи 2006 йилда туғилган Ш.Алишероваларга ногиронлик аравачалари олиб берилди.

Мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида фикр юритар эканмиз, бунда албатта, ушбу бунёдкорлик ишларининг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кўз олдимизга келиши табиий. Зеро, Асосий Қонун юртимизда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларини яратишнинг кенг ҳуқуқий маконини кафолатлаб берди.

Ҳуқуқий давлат асоси

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Ўтган 21 йил мобайнида Конституция жамиятда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб бериш баробарида, давлатнинг аниқ-равшан дастури мавжудлиги ва унинг аниқ белгиланган йўлдан бораётганини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон Конституцияси дастлабки моддасидан то охирги 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан суғорилган бўлиб, унда жинси, миллати, ирқи, ёши, дини, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб, инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган битта ҳам модда йўқ. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократик қадриятларга таянилганлиги ҳам Конституциямизнинг хусусияти саналади.

Шу билан бирга, Конституциямиз халқимизнинг миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттира олди. "Мустақиллик декларацияси" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуни талабларини ўзида тўлиқ акс эттирган Конституциямизда инсон ҳаёти ва эркинлиги, шаъни, қадр-қимматининг олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши, айбсизлик презумпцияси каби нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, Конституция ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгилари сифатида давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципини, барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглигини ҳамда Конституция ва қонунларнинг устунлиги қоидаларини мустаҳкамлади.

Конституциямизнинг яна бир муҳим жиҳати шунда намоён бўладики, унда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари аниқ ифодаланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзида БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактлар ҳамда бошқа умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини мужассамлаштирган ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга тўла мос келади.

Бу мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳукм сураётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Солиқ қачондан тўланади?

Мен 1998 йилдан буён 2-гуруҳ ногиронаман. Уй-жойимиз турмуш ўртоғим номида эди. У ҳам 2-гуруҳ ногирони бўлган. Шу сабабли мол-мулк ва ер солиғидан озод бўлганмиз. 2012 йилнинг 16 январида турмуш ўртоғим вафот этди. Унинг ўлимидан олти ой ўтганидан сўнг, турар жойни мерос тарзида ўз номимга ўтказдим. Икки нафар фарзандим ўз улушларидан менинг фойдамга воз кечишди. Лекин солиқ инспекциясидаги мутахассисларнинг айтишларича, мен турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг то ўзимнинг номимга расмийлаштиргунча бўлган давр учун (7 ойга) мулк ва ер солиғини тўлар эмишман. Бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин?

Ф.Аҳралов,
Юнусобод тумани

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади. Мазкур ҳолат амалдаги Солиқ кодексининг 277-моддасида белгилаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг 182-моддасида белгиланган қоидага кўра, мол-мулкни мерос сифатида олиш мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бирини ташкил қилади.

Мазкур кодекснинг 1145-моддасига мувофиқ, меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас, деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Мулк ҳуқуқи эса, шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Солиқ кодексининг 277-моддасида белгиланишича, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар йили 1 февралгача объектнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматини ва унинг мулкдорини кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

Мулк солиғи тўловида имтиёзга эга бўлган шахслар имтиёзларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этадилар.

Календарь йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келган (амал қилиши тугаган) тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (амал қилиши тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.

Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишигача қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади.



Таълим кредити

Мен ўғлимнинг Олий ўқув юртида ўқиши учун тўлов контрактига таълим кредити олиш мақсадида банкка борган эдим. У ердагилар гаровга трактор қўйилиши керак, дейишди. Шу тўғрими? Бу ҳақда маълумот берсангиз.

А.Менглиев,
Шўрчи тумани

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги Низом талаблари бўйича таълим кредитлари тижорат банклари томонидан Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин.

Таълим кредитлари, Олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.

Низом қоидаларида олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи гаров сифатида айнан трактор тақдим этиши шарт, деб белгилаб қўйилмаган, балки, гаров сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар тақдим этилиши лозимлиги белгиланган. Лекин мазкур Низом талаби бўйича кредитни қайтариш хавфининг олдини олишда қарз олувчи банкка фақат гаров эмас, балки таъминлашнинг қуйидаги шаклларидан бирини ҳам тақдим этиши мумкин:

— банкнинг кафолати;

— учинчи шахснинг кафиллиги;

— суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва "Мехрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

Мазкур таълим кредитини олиш учун учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва Олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бу ҳақда Олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва Олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, "Мехрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Банк қарз олувчи томонидан кредит олиш учун тақдим қилинган ариза ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ва кафилнинг молиявий аҳволини баҳолайди.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар қўйилган бўлса, банк уларнинг бозор нархларини аниқлайди.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва Олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади.

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши, кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

"Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин". (Фуқаролик кодексининг 10-моддаси)

"Ҳуқуқ" газетасининг ўтган сонларида "Ҳуқуқий маслаҳатхона" рукнидаги саволга Қамчиқ довонидан муддати эскирган юк автомобиллари ўтказилмаслиги ҳақида маълумот берилган эди. Айтингчи, эскириш муддати айтиб ўтилган вақтга тўғри келмаган автомашиналарга қандай талаблар қўйилган?

З.Ҳожибоев,
Уйчи тумани

Қўшимча талаблар

Юк автотранспорт воситаларининг Қамчиқ довонидан ҳаракатланаётганида ҳайдовчи хусусан қуйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

колонна таркибида ҳаракатланиш зарурияти туғилганида яқинни ёритувчи фаралар ёқилган ва узатма ёки тишлашиш механизмини ажратмаган ҳолатда (соатига 40 километрдан юқори бўлмаган тезликда) ҳаракатланади ҳамда юк автотранспорт воситасини тўла тўхтатиш ёки бошқа ҳаракат қатнашчиларига хавфсиз айланиб ўтиш имконини берадиган оралиқ масофани таъминлайди;

йўналиш бўйлаб фақат ўнг тарафдаги (четки) йўлакдан ҳаракатланади, автотранспорт воситаларини қувиб ўтмайди (йўл четида турган автотранспорт воситаларини айланиб ўтиш ҳолатларидан ташқари);

юк билан кетаётганида бошқа автотранспорт воситаларини шатакка олмасдан ҳаракатланади;

тоннеллар орқали битта-биттадан ўтади;

техник носозлик юз берганида, юк автотранспорт воситасини хавфсиз майдонларга (иложи бўлмаган ҳолларда, йўлнинг қатнов қисмидан четга) чиқариб тўхтатади.

Хатонинг давоми...

Менга паспорт берилаётган вақтда фамилиям рус тилидаги талаффузда ёзиб юборилган эди. Бу хато болаларимнинг фамилиясига ҳам ўтмоқда. Буни тўғрилаш учун нима қилсам бўлади?

Р.Матьякубов,
Чилонзор тумани

Бунинг учун яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги ариза билан мурожаат этиш лозим. Бу борадаги барча зарур ҳужжатлар тўпланган, ФҲДЁ органи тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар бўлимига юборади.

ИИБнинг аризани қаноатлантириш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси олинса, ФҲДЁ органи тақдим этилган ҳужжатлар асосида асослантирилган хулоса тузиб, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги ёзувларга тегишли ўзгартиришлар киритади ва янги гувоҳнома беради. Шунга мувофиқ тарзда, паспортдаги ёзувлар ўзгартирилиб, янгиси берилади.

Оилада эр-хотиннинг фамилияси ўзгарадиган бўлса, бу ҳолат ўн олти ёшга тўлмаган фарзандларнинг фамилияларининг ҳам ўзгартирилишига олиб келади.

Агар ота-онадан бири фамилиясини ўзгартирса, уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болаларининг фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-онанинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал этилади.

Ота исмининг ўзгартирилиши унинг ўн олти ёшга тўлмаган болаларининг ота исми, албатта ўзгартирилишига сабаб бўлади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.

Жамият тараққиётининг гарови

Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар, жамиятни модернизация қилиш, демократияни ривожлантириш каби улуғвор саъй-ҳаракатларнинг бош мақсадида инсон турали. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳисобланади. Мамлакатимиз шу вақтга қадар инсон ҳуқуқлари бўйича 70 га яқин халқаро шартномаларга аъзо бўлган, БМТнинг бу соҳадаги қатор халқаро шартномалари иштирокчисидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларашиясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, фуқароларимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида тўла ифодасини топган.

Голибжон ЮСУПОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган қисқа даврда бу борада мисли кўрилмаган улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, қабул қилинган қонунлар мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда, ҳуқуқий ҳужжатлар жамланиб, тўплам шаклида нашр этилмоқда. Албатта, бундай тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ана шу муҳим масала бутун тизимдаги каби Жиззах вилоят прокуратура органларининг ҳам доимий диққат-марказида бўлиб, бу соҳада бажарилган ишлар мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Бугунги кунда эътиборимиз фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилгандир. Бинобарин, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги унинг жамиятда тутган ўрнини белгилайди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас", дея таъкидлаган эди.

Истиқлол йилларида бу борада амалга оширилган ишларни таҳлил этсангиз, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганига ишонч ҳосил қиласиз. Биргина 1997 йилда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамият ҳаётини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида", "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги деректив ҳужжатлар қабул қилинди.

Олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган дастурий режа белгиланиб, унда ҳар бир ходим олдига аҳоли билан учрашувлар ташкил этиб, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш вазифаси қўйилган. Шунинг учун 2011 ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу борадаги ишларнинг сифати ва самарадорлигини яхшилаш баробарида йўналишдаги ишларни бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоатчилик институтлари билан уйғунликда олиб борилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда оммавий ахборот воситалари айниқса, матбуот имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган салкам 5,5 мингга яқин тарғибот тадбирларининг 1300 тадан ортиғи оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилган бўлса, уларнинг қарийб 700 тасини матбуотдаги чиқишлар ташкил этади.

Вилоят газеталари "Джизакская правда" ва "Адолат ёлқини" саҳифаларида "Фемида", "Спрашивали-ответаем", "Савол беринг-жавоб берамиз", "Ҳуқуқий дарсхона", "Фуқаро ҳузурингизга келди", "Сўраган эдингиз..." каби доимий рукнлар фаолияти йўлга қўйилиб, фуқаролардан ҳуқуқий масалалар бўйича прокуратурага келиб тушган мурожаатлар ва тақризиятларга келган саволларга жавоб тавсифида ходимларнинг чиқишлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Қонунларни тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишларимиз натижаларига қарайдиган бўлсак, прокуратура органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни янада яқинлашганлиги, кишиларда прокуратура давлатнинг жазоловчи қуроли бўлмай, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи орган экани ҳақидаги қараш узил-кесил қарор топганини, уларнинг тизимга нисбатан ишонч ва эътирофи тобора ортиб бораётгани намоён бўлади.

Сўзни мухтасар этиб, қатъий бир хулосага келмоқ ўринлидир. Ҳуқуқий тарғибот — янги марраларга эришишимизнинг муҳим омили, у биз янада эркинроқ жамият барпо этиш, жамиятда адолат устуворлигини таъминлашда энг тўғри ва самарали йўл. Чунки, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш орқалигина сиёсий-ҳуқуқий фаол шахсни шакллантириш мумкин. Бу ўз навбатида мамлакатимизда қурилаётган ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятининг гаровидир. Зеро, ҳақ-ҳуқуқини таниб-билганни ҳеч ким йўлдан оғдира олмайди.

Юксак маънавият – хавфсизлик ва тараққиёт негизи

Ўзбекистон ўтган йигирма бир йил мобайнида халқ манфаатларидан келиб чиқиб, ўз демократик тараққиёт йўлини изчиллик билан амалга оширган ҳолда, стратегик вазифаларни аниқ белгилаб олди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз".

Л.БОЗОРОВА,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Бугунги давр давлатларнинг хавфсиз ва барқарор тараққий этиши учун жаҳон миқёсида пайдо бўлаётган турли салбий таъсирларга қарши ички ҳимояни шакллантиришни ва мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантирган кучли давлатларнинг тўплаган тажрибаларида яққол намоён бўлганидек, янгиланиш ва модернизация қилиш жараёнларини изчиллик билан амалга ошира олган юрт замон талабларига ҳозиржавоб бўлиб, тараққиёт асосларини мустаҳкамлаб бора олади.

Бундай жараённи аввалдан англаган Ўзбекистон Республикаси даврнинг турли таъсирларига муносиб жавоб бериб, ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан бормоқда. Шунингдек, бугун диёримизда барқарор демократик тараққиёт хавфсизлигини таъминлаш учун изчиллик билан жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш орқали демократик ислоҳотларни янада юқори поғоналарга кўтаришга эришилмоқда.



Энди, маънавий манбаларимизни юксалтириш ва жамият тараққиётининг устувор вазифаларига кўпроқ ёндашиш ҳамда бугуннинг салбий тенденцияларига қарши барқарор ижтимоий иммунитетни менталитетимиздан келиб чиқиб шакллантириш энг муҳим вазифамизга айланди.

Маълумки, демократиянинг бир неча асрлик тажрибаси, ҳар қандай жамиятда инсон омили етакчи ўринни эгаллашини исботлади. Демократия ҳеч бир давлатда халқнинг дунёқараши, миллий қадриятлари ва маънавий даражасидан ташқарида шаклланган эмас. Бошқача айтганда, демократия, ўзининг моҳиятига кўра, одамзод руҳий фаолиятининг маҳсулидир. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Демократия аввалambor, маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир".

Маънавий мезон демократиянинг нафақат ахлоқий асосларини, балки унинг энг зарур ва ҳал қилувчи ижтимоий негизи бўлган миллий бирдамлик ва ўзаро аҳиллигининг таъминланишида пойдевор бўлиб хизмат қилади.


Демак, демократия ва маънавият бир-биридан ажралмайдиган, чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Жамиятда демократияни ривожлантириш учун дастлаб унинг устувор мезони бўлган миллий маънавиятни юксалтириш зарур бўлади. Боиси, маънавият жамиятнинг демократик ривожланишида ижтимоий мувозанатни таъминланишига асос бўлиб хизмат қилади. Яъни маънавият демократияга эришган халқнинг миллийлигини сақлаб қолади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик".

Жаҳоннинг аксарият олимлари таъкидлаганидек, айрим мамлакатлар "империя"дан мерос бўлиб қолган салбий ғоялар таъсиридан ҳанузгача қутула олмаяптилар. Жумладан, ғарб дунёсига мансуб бўлган баъзи нуфузли давлатларнинг ўз маданияти, сиёсий-ижтимоий тараққиёт моделини "универсал модел" сифатида ёйишга қаратилган мессианлик хатти-ҳаракатлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур етакчи мамлакатларнинг бу тарздаги фаолияти туфайли XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб глобаллашув ҳодисасининг ўта салбий жиҳатлари кескин намоён бўла бошлади.

Бундай халқаро вазиятда халқимиз ва ёшларнинг тафаккурида ниҳоятда мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш ишларини янада ривожлантириш, унинг қамровини, самарадорлигини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан келиб чиқилганда, мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини олиб борадиган ташкилотларнинг бу каби вазифаларни бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Таълим ҳамда тарбия жараёнини жамиятнинг етакчи ва ҳал қилувчи бўғини сифатида тушуниб, бундай қарашни кенг миқёсда ривожлантириш лозим. Айниқса, шу соҳада амалга оширилаётган тадбирларни, ўқувчилар онгидаги маънавий ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга, уни замонавий вазифаларидан келиб чиқиб, янгича маъно-мазмун билан тўлдиришга йўналтириш даркор. Шунингдек, бугунги кунда рўй бераётган халқаро глобаллашув жараёнларининг ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама кенг ўрганиш ва тушунтиришга қаратилган махсус дарсларни таълим жараёнига киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир.



Талон-торож усталари

ёхуд «Геодезия ва картография миллий маркази» ДУКда содир этилган қонунбузарликлар хусусида

Барчага аёнки, коррупция ва иқтисодий жиноятчилик ҳар қандай жамият ва давлат иқтисодиёти учун хатарли таҳдид, унинг тараққиёти йўлидаги жиддий тов. Бу иллатлар қайси бир соҳага соя солмасин, барқарор фаолиятни издан чиқаради. Улар домига тушган киши ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Бу йўлда давлат ва жамият манфаатларига улкан зиён-заҳмат етказишдан ҳам тийилмайди. Бундай турдаги жиноятларни фош этиш, олдини олиш ва жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасидаги муҳим вазифалардандир.

2009 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг "Геодезия ва картография миллий маркази"га раҳбар этиб тайинланган Шуҳрат Жўраев айтиш мумкинки, жуда қисқа муддат ичида босар-тусарини йўқотиб қўяди ва ўзига юклатилган масъулиятли вазифаларни виждонан бажариш ўрнига шахсий манфаатини кўзлаб иш юрита бошлайди. Бунда мазкур марказга илгари раҳбарлик қилган Александр Самборский ва марказ режалаштириш бўлими бошлиғи Беҳзод Арифбаевлар унга яқин маслакдош бўлишади.

Ш.Жўраев томонидан содир этилган иқтисодиётга оид жиноятларни баён қилишдан олдин, унгача ушбу марказга раҳбарлик қилган А.Самборскийнинг қилмишларига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз бўлади.

А.Самборский марказга директорлик қилган даври — 2006 йилнинг октябридан 2009 йилнинг мартигача бўлган давр ичида вақтдан унумли фойдаланиб қолишнинг уддасидан чиққан экан. Жумладан, Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси текшируви хулосасига кўра, А.Самборский томонидан корхонада бажарилмаган ишлар учун 98 млн. 871 минг 900 сўм бюджет маблағини асоссиз равишда сарфлаб юборилган. 2008 йил ҳисобидан эса 138 минг 233 сўм асоссиз ҳавога совурилган. Шу тариқа, растрата йўли билан 99 млн. 10 минг 133 сўм бюджетдан ажратилган маблағ талон-торож қилинган.

Бундан ташқари, А.Самборский марказга қарашли юк ва хизмат автомобилларидан белгиланган лимитдан ортиқча фойдаланиш ва ортиқча ёқилғи сарфланиши орқали 1 млн. 194 минг сўм миқдорида давлат манфаатларига зарар етказилишига йўл қўйган. Шунингдек, бюджет тартибига зид равишда 423 млн. 784 минг 400 сўмлик пул маблағлари нотўғри сарфланишига сабабчи бўлган.

Давлат бюджети маблағларини талон-торож қилиш борасида Ш.Жўраев "устози" (ўша пайтда марказ директори ўринбосари бўлиб ишлаган) А.Самборскийдан асло қолишмаган. У раҳбар этиб тайинланганидан сўнг бир ой ҳам ўтмай туриб 6 млн. 640 минг сўмлик бюджет маблағининг асоссиз сарфланишига сабабчи бўлган.

Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси текшируви хулосасига кўра, 2009 йилда марказ томонидан "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан берилган 8 мавзудаги буюртмалар қисман бажарилган ёки умуман бажарилмагани ҳолда, ажратилган маблағлар асоссиз равишда сарфлаб юборилган. Шу тариқа, давлат манфаатларига 8 млн. 30 минг 742 сўмлик зарар келтирилган.

Бундан ташқари, Ш.Жўраев биноларни таъмирлаш баҳонасида бир қанча қурилиш-таъмирлаш корхоналари билан шартномалар тузиб, бажарилган ишларни ошиқча кўрсатиш, ҳужжатларни сохталаштириш орқали 8 млн. 38 минг 974 сўмлик давлат маблағларини растрата ва ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборган.

Хусусан, "Gujumsoy Qurilish Servis" МЧЖ директори К.Паттаев билан тил бириктириб, 2010 йилнинг 22 октябридаги шартномага асосан сарфланган қурилиш материаллари ва бошқа харажатларни ошириб кўрсатиш орқали 1 млн. 587 минг 609 сўмлик давлат маблағини ўзлаштирган.

Ш.Жўраев ҳам А.Самборский каби марказ ихтиёридаги юк ва енгил автомобиллардан фойдаланишда меъёрни унутиб қўйган экан. Унинг хўжасизларча муносабати оқибатида давлат манфаатларига 10 млн. 921 минг 723 сўм зарар етказилган.

Булар билан ҳам қаноатланмаган Ш.Жўраев марказнинг режалаштириш бўлими бошлиғи Б.Арифбаев билан жиноий тил бириктирган ҳолда, давлат буюртмалари бўйича смета ҳужжатларини расмийлаштиришда коэффицент ва меъёрларни ошириб кўрсатиш йўли билан давлат маблағларини муттасил равишда талон-торож қилиб келган. Шу йўл билан 2010 йилнинг 12 мартидаги шартнома бўйича 4 млн. 924 минг 200 сўм, 2010 йилнинг 3 майидаги шартнома бўйича 9 млн. 177 минг 400 сўм, 2011 йилда эса 8 млн. 571 минг 932 сўмлик бюджет маблағи асоссиз сарфлаб юборилган.

Ҳеч бир жиноят изсиз қолмайди. "Геодезия ва картография миллий маркази" ДУКнинг собиқ раҳбар ва масъул ходимлари томонидан содир этилган ноқонуний ишлар ҳам фош бўлмай қолмади.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан уларнинг ҳар бири қилмишларига яраша жазосини олишди.

Азиз МУСАШАЙХОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Юртимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан керакли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Қабул қилинаётган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари соҳанинг тобора тараққий этишини кафолатламоқда. Яратилаётган шарт-шароитлар эвазига соҳа вакиллари ўз имкониятларини ишга солиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига баракали улуш қўшмоқдалар. Шунингдек, хусусий секторнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

Нафсингизга қул бўлманг!

Шундай бўлса-да, ҳали-ҳануз ноқонуний равишда тадбиркорлик билан шуғулланиб қелаётган лар учраб турибди. Хонқалик Зокир Каримов ана шундайлар сирасига киради. У уйининг молхонасига қўлбола усулда пахта чигитидан ёғ ва қунжара маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган жувоз ўрнатиб, истеъмолга яроқсиз пахта ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланган.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКҚ Департаментининг Хонқа туман бўлими томонидан уюштирилган рейд давомида Зокир Каримовнинг ноқонуний фаолияти фош қилинди. Молхона холислар иштирокида текширилганда, у ерда 55 килограмм пахта чигити, 15 килограмм қунжара ва турли асбоб-ускуна ва бошқа маҳсулотлар борлиги аниқланди. Олиб борилган суриштирув ҳаракатлари давомида З.Каримов жувозни ўзи ясаганлиги, пахтани эса ўзи ишлайдиган "Сарвар-Азизбек" фермер хўжалигида режа бажарилганидан кейин қолиб кетганларидан йиғиштириб олганини тан олди. У шунингдек, ёғни оиласида истеъмол қилиш, қунжарани эса қорамолларига бериш нияти бўлганини, сотишни мўлжалламаганлигини айтиб, кечирим сўради.

Тергов ҳаракатлари ўтказилгач, жиноят иши судга оширилди. Суд томонидан З.Каримов тегишли жазога тортилди.

Инсонни нафси жаҳолатга ундайди. Шу боис юртдошларимизга асло нафсингизга қул бўлманг, дегимиз келади.



Мансур ҚУРБОНОВ,
СВОЖЖДЛКҚ Департаментининг Хонқа туман бўлими суриштирувчиси

Қимматга тушган ёлғон



Тонгга яқин соат бешларда аэропортга қўнғироқ бўлди: — "Самарқанд-Москва" йўналишидаги авиарейс билан учаётган йўловчилардан бири Юлдуз Муҳаммадиева ошқозонида 8 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини олиб кетаяпти, — деди ўзини таништиришни истамаган киши...

Баҳодир ота-онасининг қистови билан Нигинага уйланди. Улар фарзандли бўлишса-да, орадаги совуқлик кўтарилмади. Бу орада Баҳодир Россияга ишлагани кетди ва у ердан Нигинанинг жавобини берди.

Кунларнинг бирида Баҳодир интернет орқали асли самарқандлик бўлган Юлдуз Муҳаммадиева билан танишиб қолди. Улар Москвада бир неча бор учрашиб, оила қуришга келишишди. Шу мақсадда Самарқанд шаҳрига қайтиб келишди. Баҳодир гарчи Нигина билан қонунан ажрашмаган бўлса ҳам, уларнинг турмуш қуришларига ота-оналари қаршилик кўрсатишмади. Ижара уйда бинойидек яшаб келаётганларида Юлдуз Москвага "қайтиб кетамиз"га тушиб қолди.

— Бироз сабр қил! — деди Баҳодир. — Нигина билан ҳали қонуний ажрашганим йўқ. Бунинг устига паспортимни ҳам йўқотиб қўйганман. Шу муаммоларимни ҳал қилиб олай, кейин кетамиз.

Аммо Юлдуз кўнмади. Шундан сўнг ораларига совуқчилик оралаб, иккаласи ҳар куни жанжаллашадиган бўлишди.

Бир куни Юлдуз уйдан чиқиб кетаркан:

— Мен онамникига бориб келаман, — деди.

Баҳодир уни анча кутди. Келавермагач, олиб келиш учун қайнонасиникига йўл олди. Бораверишда уларни йўлда учратиб қолди.

— Юлдузни врач кўригидан ўтказиб келаётган эдим, — деди қайнонаси сўрашганларидан кейин.

Баҳодир уларни шу яқиндаги ошхонага олиб кирди.

— Овқатни кўпроқ еб, қорнингни тўйғазиб ол, яна узоқ йўлда чарчаб қолмагин, — деди онаси Юлдузга.

— Қанақасига узоқ йўл бўлсин ойи. Ахир уйимиз машинада ўн минутлик йўл-ку! — деди Баҳодир ҳайрон бўлиб.

— Вой, мен Москвани айтаяпман, куёв. Нима, сизнинг хабарингиз йўқми? Мана, самолётга билет ҳам олдик, бугун соат бешдаги рейс билан учиб кетиши керак-ку?!

Бу гапдан кейин Баҳодир қотиб қолди.

— Сен кимдан рухсат олиб кетаяпсан? Ҳеч қаерга бормайсан, мен жавоб бермайман, — деди жаҳли чиқиб.

— Барибир кетаман, ҳаммаси жонимга тегди. Қўлингиздан келганини қилинг. Қани кўрамиз, қандай олиб қолар экансиз?! — деди Юлдуз шахт билан ўрнидан туриб кетаркан.

Юлдуз нарсаларини олиб уйдан чиқиб кетди. Баҳодир эса кўчага чиқиб аламини ароқдан олган бўлди. Кейин опасининг уйига борди. Уйда кичкина жиянидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Диванда ётиб Юлдузни қандай қилиб олиб қолиш ҳақида роса ўйлади. "Топдим" деди ўрнидан тураркан. У телефон гўшагини олиб, "09" рақамини терди. Оператордан аэропорт телефон рақамини олди. Сўнг қўнғироқ қилиб, "муҳим хабар"ни айтди...

Аэропортда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан Юлдуз "героин" гиёҳвандлик воситасини олиб кетаётганликда гумон қилиниб, тегишли равишда текширувлардан ўтказилди. Оқибатда Баҳодирнинг ёлғон хабари фош бўлди.

Суд ҳукмига биноан Баҳодир Худойбердиевга 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари, ёлғон хабари туфайли Самарқанд халқаро аэропортига етказган 2 млн. 75 минг 276 сўм зарарни ҳам тўлаб берадиган бўлди.

Қаҳҳоржон МУҚУМОВ,
Самарқанд транспорт прокуратураси терговчиси

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу соҳа вакиллари айни пайтда ҳалол меҳнатлари билан катта ютуқларга эришиб, халқ фаровонлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаяптилар.



«АЁҚШ»даги қонунбузарликлар

Бурхон БУРХОНОВ,
Вобкент туман прокурори

Бироқ айрим тадбиркорлар ишларини ҳалол бошлаб, давлатга, ўз манфаатларига фойда келтирадиларда, кейинчалик йўлларидан адашиб, бойлик орттириш пайида жиноятга қўл урадилар. Вобкент туманидаги "Темур Искандарий" МЧЖга қарашли ёқилғи қуйиш шохобчаси раҳбари Фахри Бўронов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан шохобча бош ҳисобчиси Акмал Шодиев ҳам аввалига ҳамма қатори ҳалол меҳнат қилиб келишди-ю, сўнгра...

Ҳа, нафс кишини ҳар кўйга солар экан. Бўлмаса, 2004 йил май ойидан ҳозирги кунга қадар АЁҚШда биноийдек фаолият олиб бораётган Ф.Бўронов билан А.Шодиевлар тўғри йўлдан адашиб, нафснинг асирига айланишармиди?

Буни қарангки, нияти бузилган икковлоннинг фикри бир-бирига мос келиб, зумда тил топишиб олишди. Шохобчадаги ёқилғи қуйиш колонкасининг навбатдаги қиёслов муддати 2011 йил 6 октябрда тугаган эди. Аммо улар техникани навбатдаги қиёслов кўригидан атайин ўтказмасдан, тамғасини қалбакилаштиришади. 20 литрли намунавий ўлчагич билан ускуналарнинг қуйиш хатолиги текширилганда, меъёридан 1.160 литр кам қўйиши аниқланди. Шу йўл билан 2011 йилнинг 6 октябридан 2012 йил 26 март кунига қадар аҳолига жами 126 минг 648 литр АИ-80 бензини тарқатилиб, ёқилғини меъёридан кам қуйиш орқали "устаси фаранглар" ўзгаларнинг 11 млн. 716 минг сўмлик миқдордаги мулкини талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, судланувчи Фахри Бўронов унга нисбатан чиқарилган жиноят ишлар бўйича Вобкент туман судининг 2010 йил 26 февраль кунги ҳукмига асосан, 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса-да, суд ҳужжатини ижро этмаган. У бундай хатти-ҳаракатлари билан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "а", "в", "г" бандлари ва 232-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган. Яъни у баъзи сабабларга кўра, суднинг ҳукмини бажармасдан, эгаллаб турган лавозимида ишлаб келган.

Хайриятки, уларнинг қинғир ишлари қонун "чиғириғи"ни четлаб ўтолмади. Суд томонидан Ф.Бўронов ҳамда А.Шодиевлар айбларига қисман иқрорликлари, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаганлиги, ижтимоий аҳволи ва оилавий шароитини, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўлламасликни лозим топиб, ҳукм ўқилди.

Ф.Бўроновга энг кам ойлик иш ҳақининг 110 баробари миқдоридаги жарима тайинланди. Акмал Шодиев эса ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига сақлаб қолиниши шарти билан 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланди.

Буни қарангки, озгина эътиборсизлик, мансабни суиистеъмол қилиш, одамлар ҳаққига хиёнат қилиш бу икковлонни судга етаклаб келди. Бугун улар қилмишларидан пушаймон эканлар, энди бундай қонунбузилиши ҳолатларини такрорламайдилар, деб умид қиламиз.

Адашган адвокат

— Мен олдин иш билан яхшилаб танишиб чиқиб, кейин сизга жавобини айтаман, — деди адвокат Ғулом Раҳимов (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ундан ҳуқуқий маслаҳат сўраб келган мижозига. Тажрибали адвокат шу пайтнинг ўзидаёқ соддагина кўринган бу мижоздан анча-мунча пул ундириш мумкин деган тўхтамга келиб улгурган эди. Бироқ адашган экан.



Абдумалик АБДУЛЛАЕВ,
Учтепа туман прокуратураси катта терговчиси

Агар у ўша пайтда нафсини тийиб, шайтонга ҳай бера олганида ўз шаъни ва касбига доғ туширмаган, бугун панжара ортида эмас, ўз яқинлари ва оиласи бағрида ўтирган бўлар эди.

Гап шундаки, Нигора Илёсова тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида фирма очиш ниятида юрганида таниши Манзура Ғаниева бир таклиф билан келиб қолади.

— Фирма очмоқчи экансан, менинг фирмамни ўзингнинг номингга расмийлаштириб олсанг бўлмайдими? Тайёр МЧЖ, ҳужжат йиғиб овора бўлмайсан, — дейди М.Ғаниева унга.

Турган гапки, бу таклиф Н.Илёсовага маъқул тушади.

— Фақат битта муаммо бор. Мен юритиб келган бу МЧЖ анча вақт фаолият кўрсатмади, шунинг учун уни тугатиш масаласи ҳозирда хўжалик судида кўриляпти...

Бу гаплардан оз-моз хабардор Н.Илёсованинг шашти қайтади-ю, аммо дугонасининг фирмасига ҳавас қилиб юргани учунми, унинг фаолиятини ўзи давом эттириш истагидан воз кечмайди.

— Яхши, мен аввалига бирон адвокатдан маслаҳат олиб кўрай...

Бўлиб ўтган ушбу суҳбатнинг эртаси куниёқ Н.Илёсова "Nisaid" адвокатлик фирмаси адвокати Ғ.Раҳимовга учрашди.

Тезда ишга киришган адвокат "Dilbarbonu-Gayrat Servis" МЧЖни тугатмасдан фаолиятини давом эттириш ҳақида хўжалик судининг қарорини чиқартириб бериши мумкинлигини унга маълум қилади.

— Фақат бунинг озгина харажати бор. 1500 доллар берсангиз, фирма сизнинг ихтиёрингизга ўтади. Хоҳлаганингиздай унга раҳбарлик қилаверасиз, — дейди адвокат Ғ.Раҳимов Н.Илёсовага учрашиб.

Н.Илёсованинг иккиланиб қолганини кўриб, адвокат фириб санъатини ишга солади.

— Сиз мени тўғри тушунинг. Бу пулдан фақат беш юзи менга қолади, минггини шаҳар хўжалик судида ишни кўраётган судьяга беришим керак.

Н.Илёсова рози бўлгандай бўлади. Ахир адвокат шундай деб турганидан кейин нимаям дейиш мумкин?

Шундан сўнг адвокат унга тез-тез қўнғироқ қилиб, айтилган пулни етказишини сўрай бошлайди.

Обдон ўйлаб кўрган Н.Илёсова тушуниб етадики, адвокатнинг бу хатти-ҳаракатлари ноқонуний. Бир тўхтамга келган Н.Илёсова ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга тегишли тартибда ариза билан мурожаат қилади.

Унинг аризаси юзасидан ўтказилган тезкор тадбир давомида адвокат Ғ.Раҳимов ўз хизмат хонасида ундан 1500 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинди.

Фирибгарлик йўли билан мўмай пул топаман деб "адашган" адвокат суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Ҳаёт турфа тасодифлардан иборат бўлгани каби, сизу биз яшаётган ана шу замонда ҳам турли тоифадаги инсонлар ниҳоятда бисёр. Кимдир ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери эвазига ҳаёт кечиришни ўз бурчи деб билса, яна бировлар мўмай даромад, яъни осон пул топиш йўлларини қидиради.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Воҳид ТОШПЎЛАТОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Бугун суднинг қора курсисида ўтирган Умид Исломов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг юзи қип-қизил чўғдек. Балки у оила бошлиғи, боз устига 4 нафар фарзанднинг отаси эканлигини ҳис этиб, ўз қилмишидан уялаётгандир...

Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ҳамда Зарафшон шаҳар бўлими ходимлари томонидан фуқаро Р.Боймуродовнинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда Умид Исломов шаҳар "Савдо маркази" ҳудудида қонунга хилоф равишда ҳар бир АҚШ долларини 2820 сўмдан баҳолаб, 700 АҚШ долларини жами 1 млн. 974 минг сўмга фуқаро Р.Боймуродовга сотган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган, шунингдек, унинг ёнида сотиш мақсадида сақлаб келаётган 1497 АҚШ доллари ва 24 500 Россия рубли мавжудлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, У.Исломов аввал ҳам худди шу каби қилмишлари учун бир неча марта суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлган, аммо тегишли хулоса чиқармаган экан.

Суднинг ҳукми билан У.Исломов қонуний жазосини олди.

Буюк файласуфлардан бири шундай деган эди: "Одам пулсиз, уйсиз, ер-мулксиз қолса, уларнинг ўрнини тўлдирса бўлади. Инсоннинг ўз ҳақиқий мулки — инсоний қадр-қимматини йўқотиши аччинарлидир".

Инсон ўз қадр-қимматини йўқотмасин, чунки йўқотилган қадр-қиммат чегаланган сополга ўхшайди. Дарз кетган сополга эса қанча ишлов берсангиз ҳам асл ҳолига қайтмайди. Модомики шундай экан, ҳар бир инсон фақат бугунини эмас, эртасини ҳам ўйлаб яшаши ва иш тутиши жоиздир.

Қинғир манзилнинг поёни

Салима Худойназарова Қирғизистоннинг Ўш вилояти Суратош қишлоғида туғилган. Хўжаобод туманининг Тўраобод қишлоғига келин бўлиб тушган, тўрт фарзандниng онаси.

Абдужалил МИРЗАБЕКОВ,
Хўжаобод туман прокуратурасида иш юрганувчи

2011 йил декабрь ойининг сўнгги кунлари. Онасини кўриб келиш учун ўзи яшаётган Тўраобод қишлоғининг Сўқалоқ кўчаси орқали ноқонуний равишда Қирғизистон ҳудудига ўтиб, кейин яна ортига қайтган Салиманинг боши оғриб қолдию, ўша ерда жойлашган дорихонага кирди. Керакли дорини олиб, дорихонадаёқ ичди.

— Дори таъсири йўқолгунча бироз дам олиб ўтиринг, — сўз қотди ўзини Улгусун деб таништирган сотувчи аёл.

— Раҳмат, опажон.

Аёл Салиманинг Ўзбекистонда яшашини билгач, уни суҳбатга тортди:

— Бирон жойда ишлайсизми?

— Йўқ.

— Нечта фарзандингиз бор?

— Тўртта.

— Оилангиз катта экан. Биласизми, бизда дорилар арзонроқ. Шу иш билан шуғулланиб кўрмайсизми? Ҳарна, тирикчиликка тиргак бўлармиди?!

— Тўғри айтасиз, ўзимнинг ҳам бошим қотган. Нима қилишни билмай тургандим. Дори деяпсиз, уларни тушунмайман-да.

— Сизларда кетадиганларидан насияга бераман.

Улгусун уч турдаги дори воситаларидан ажратиб, нархларини ёзиб берди.

Салима дориларни сумкаларга жойлаб, ташқарига чиққач, чегарадан қандай олиб ўтиш ҳақида ўйлади. Шунда қўшниси Ботиржон ёдига тушиб, унга қўнғироқ қилди...

Келишилган вақт яқинлашганда Ботиржон қўшни Қирғизистон ҳудуди сари йўлга тушди. У ҳам давлат чегараси тўғрисидаги қонун талабларига зид равишда Сўқалоқ кўчаси орқали айтилган жойга етиб борди.

Икки қўшни Суратош тоғидан ўтиб, Сўқалоқ кўчасига киришган ҳам эди, чегарани назорат қилиб юрган хизматчилар уларни сезиб қолишди. Чегара бузувчи шахсларни тўхтатиш мақсадида уларни огоҳлантиришди. Аммо қонунга зид йўлни танлаганлар сумкаларини ташлаб, жуфтакни ростлашди. Аммо чегарачилар уларнинг изидан бориб, жиноятларини ошкор қилишди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Салима Худойназарова билан Ботиржон Бозоровнинг хатти-ҳаракатларига ҳам қонуний баҳо берилди. Суд ҳукми билан ҳар иккала жиноятчи айбдор деб топилди.

Салима Худойназарова ва Ботиржон Бозоровнинг ҳар иккисига 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди. Салима Худойназаровага берилган жазо 3 йил муддатга шартли жазога алмаштирилди.



"Эгалик ҳисси", "Эгалик туйғуси", "Эгалик ҳуқуқи". Бир қарашда бу тушунчалар бир-бирига мутаносиб, бир-бирини тўлдирадигандек гўё. Аммо бу тушунчалар мантиқан таҳлил этилса, улар орасида каттагина фарқ борлиги намоён бўлади. Эгалик ҳуқуқи ҳуқуқий демократик жамиятга хос тушунчадир. Биз бекорга эгалик сўзига урғу бермадик. Китоб тумани "Юқори Офтобрўй" қишлоғида содир этилган қотилликка ҳам "эгалик" тушунчасини яхши англамаслик сабаб бўлди.

Тутзордаги воқеа

Шерниёз УМРЗОҚОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиги
Баҳодир ТЎЛАГАНОВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Озод Мейликов 2006 йилда "Мейликов Озод Абдисаттарович" фермер хўжалигини ташкил этиб, каттагина ер эгаси сифатида иш бошлади. Энди у мулкдор эди. Гектар-гектар ери, қўл остида меҳнат қиладиган ишчилари бор. Ўз муҳр ва тамғасига эга. Бундан ҳаволаниб юрган Озоднинг қувончи узоққа чўзилмади. 2008 йилда ҳукумат қарорига асосан фермер хўжаликлари ерлари оптималлаштирилиб, майда гектарли фермер хўжаликлари қисқартирилди. Қўл учида меҳнат қилиб, номигагина иш юритадиган фермерлар ери ташаббускор, фидойи, ютуқлари анча юқори бўлган хусусий секторларга қўшиб юборилди. Оптималлаштириш жараёнида Озод Мейликовга тегишли бўлган "Мейликов Озод Абдисаттарович" фермер хўжалиги ҳам Китоб тумани ҳокимининг қарорига асосан тугатилиб, ер майдони Қурбонали Султонов раҳбарлик қилаётган "Қурбонали Султонович" фермер хўжалигига қўшиб берилди. Икки йиллик раҳбарлик Озоднинг оёғини ердан анча узиб қўйган эди. Бироқ мағрурлиги энди барибир натижа бермаслигини англагани боис Қурбонали Султонов билан келишиб, ўзи раҳбарлик қилиб келган фермер хўжалиги ҳудудидаги тут плантациясида ишчи бўлиб ишлаш орқали пилла етиштириш юмушини ўз гарданига олади. Унинг учун тут плантациясини парваришлаш, сифатли пилла хомашёсини етиштиришдан ҳам кўра молларини тутзорда боқиш муҳим эди. Озод отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмайди. Аслида ерга эгалик ҳуқуқи қонуний жиҳатдан Қ.Султоновга ўтган бўлса-да, у ҳали ҳам ўзини шу ҳудуднинг эгаси деб биларди. Гўёки бу ерлар унга бобомерос бўлиб қолгандек. Қурбонали Султонов ҳам паст кетадиганлар тоифасидан эмасди. Бунинг оқибатида икки ўртада юзага келган келишмовчилик тобора газак олса-оладики, аммо яхши томонга ўзгармайди.

Бу икки шахс ўртасидаги адоват бора-бора оила аъзоларини ҳам қамраб олади. Қ.Султонов 2010 йил апрель ойида фермер хўжалиги раҳбари сифатида Озодга: "Энди сен билан бирга ишламайман, пиллани ўзим боқаман, бундан кейин тут плантациясига қадамингни босмайсан", дея сўнгги қарорини билдиради. Бироқ Озод ўз билганидан қолмайди, чунки бир неча йилдан буён моллари учун беминнат озуқа базаси бўлиб келган тутзорни осонликча қўлдан бой бергиси келмасди. Шу боис ҳам то қотиллик содир этилган кунга қадар ҳам бу икки оила ўртасида бир неча бор тортишувлар, даҳанаки жанглар бўлиб ўтади.

2010 йил 16 август куни Озод Мейликовга тегишли бўлган моллар яна тут плантациясида пайдо бўлди. Бундан хабар топган Қурбонали Султоновнинг ўғли Латиф Султонов Озоднинг отаси Абдусаттор Мейликовга "Нима учун тутзорда молларингизни боқиб юрибсиз, тутзорни пайҳон қилаяпсиз-ку?!" дея унинг молларини тутзордан чиқармоқчи бўлади. Шунда Озод Латифга ташланади. Улар бир-бири билан жиққамушт бўлиб турганда, жанжалга Озоднинг отаси Абдусаттор Мейликов ҳам аралашиб, Латифни ҳақоратлаб, қўлидаги даскала билан унинг ўнг елкасига уриб жароҳат етказади. Ота-боладан калтак еган Латиф аламига чидай олмай муштумзўрларнинг "акл"ни киритиб қўйиш мақсадида акаси Муқим Султоновни телефон орқали ўз ёнига чорлайди. Бу пайтда Озод уйининг олдидаги супада ичимлик таъсирида сармаст бўлиб, бобоси Муҳаммад Мейликов билан суҳбатлашиб ўтирган эди. Орадан бироз вақт ўтиб, Латиф акаси Муқим билан Озоднинг уйига келиб, моли яна тутзорга кирганлигини писанда қилади. "Молингга қарасанг бўлмайдими, сен шунчалик зўрмисан?!" дея ҳар хил ҳақоратомуз сўзлар билан Озодни "сийлашга" тушади. Озод ҳам жим турмайди. Спиртли ичимлик уни шерга айлантириб юборган эди. Улар ўртасида муштлашув бошланиб кетади. Жанжалга Озоднинг отаси ҳам қўшилади. Жаҳл кетса, ақл қочиши рост экан. Жаҳлини жиловлай олмаган Латиф Абдусаттор Мейликовни йиқитиб аямай дўппослашга тушади. Шунда отасининг калтакланаётганлигини кўрган Озод баттар тутақиб, уйидан хўжалик пичоғини олиб чиқиб, Латифнинг чап кўкрак қафасига санчиб, оғир тан жароҳати етказади. Қўлидаги қонталаш пичоқ билан Муқимга юзланади. Муқим эса зўрға ундан қочиб қутулади.

Латиф Султонов туман марказий шифохонасига олиб келинганидан кейин чамаси бир-икки соатлар ўтгач жон таслим қилди. Ер талашишнинг оқибати ана шундай фожеа билан якун топди. Қонунан ерга эгалик ҳуқуқи Қурбонали Султоновга берилган бўлса-да, Озод Мейликовдаги "эгалик ҳисси" устун келиб, бир инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг ҳукмига асосан судланувчи Озод Мейликов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми ва шу кодекснинг 25-моддаси "а", "ж", "и" бандлари билан айбли деб топилиб, унга нисбатан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси та йинланди. Жиноятчи ўз қилмишига яраша жазосини олди. Қизиққонлиги, ўз манфаатини қонунлардан устун қўйганлиги сабабли Озод энди умрининг ўн саккиз йилини панжара ортида озод ҳаётни қўмсаб ўтказадиган бўлди.

Арик бўйидаги оғу

Рашид МЕҲМОНОВ,
Бағдод туман прокурори ёрдамчиси



Бугун бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган гиёҳвандлик ва одам савдоси каби иллатлар кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай инсоният олдидаги долзарб муаммолигича қолмоқда. Уларнинг одамларга, жамиятга қанчалик хавф туғдириши ҳақида қанча бонг урилмасин, бу йўлдан юрувчи кўзи очиқ сўқирлар ҳамон учрамоқда. Аср вабоси ҳисобланмиш гиёҳвандлик инсоният учун энг ижтимоий хавфли ва оғир оқибатларга олиб келадиган офат сифатида барча давларда ҳам қораланиб келинган. Гиёҳвандлик инсон соғлиғининг кушандаси, қанчадан-қанча инсонларнинг умрига, соғлиғига зомин бўлаётган иллатдир.

Ана шундай салбий оқибатларга сабаб бўлувчи гиёҳванд моддаларни сотиш билан бойлик тўплашни ўзига эп билган баднафс кимсаларнинг ёнгинамизда бўлиши ачинарли, албатта. Бағдодлик Мансур Ҳасанов(исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам тинчгина давом этаётган ҳаётини оёғининг остидан чиқиб қолган "ўсимлик"-ни деб хароб қилди.

Аслида воқеа бундай бўлган эди. Мансур 2011 йилнинг куз ойларида Бағдод туманининг Мирзаобод-Лочинлари ММТПга қарашли Дашт ҳудудидаги Майлабой ариққа туташувчи бетон ариқ четларида ўтлар орасида хушрўй гулдай(унинг наздида) ўсиб турган 4 туп "ўсимлик"ни кўриб, кўзлари қувнаб кетди. Шу тобда наша гиёҳвандлик ўсимлигини пуллаб, бир-икки сўмлик бўлиб қолишни ўйлаб қолди. Дарҳол унинг барг ва шохларини йиғиб олиб, уйига олиб келди. Уни қуритиб, авайлаб пакетга жойлади. "Алибобо ва қирқ қароқчи" фильми қаҳрамонларига ўхшаб, топилган "хазинаси"ни тортиб кўрди - 76,06 грамм. Ўзича хомчўт қилиб, "даромад"дан кўнгли тўлди шекилли, уни бостирмасидаги хашаклар орасига беркитиб қўйди.

"Маҳсулот" тайёр, энди унга харидор топиш керак. Орадан анча вақт ўтганидан сўнггина харидор эшик қоқиб келиб қолди. Мансур харидор билан нархини келишиб олгач, хонадонида сақлаб келаётган марихуана гиёҳвандлик моддасининг бир қисмини унга тутқазди. Зўр иштиёқ билан пулларни санаб олаётганида кутилмаганда пайдо бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини кўриб, серрайиб қолди. Жиноят устида қўлга олинган М.Ҳасановдан уйида яна гиёҳванд моддалар бор-йўқлиги сўралганда, унинг ҳовлидаги темир идиш ичига жойланган пакетни ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига топиришдан бошқа иложи қолмади.

М.Ҳасановнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судида кўриб чиқилиб, унга 6 йиллик қамоқ жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, бундай иллатларга қарши курашиш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, ҳаммамизнинг бурчимиздир. Мансур Ҳасановнинг наша сотиш ниятида юрганидан маҳалла-кўй бехабар қолган деб бўлмайди. Агар бирор маҳалладоши, дўсту биродари ёки қариндош-уруғи уни бу йўлдан қайтарганида М.Ҳасанов умрининг 6 йилини панжара ортида ўтказишга мажбур бўлмасди.

Ўзини, оиласини, яқинларини, бутун инсониятни ва келажак авлодларни ўйлаган ҳар бир киши гиёҳвандликка қарши курашда фаол бўлиши зарур.

Муштумзўрлар

Ҳар бир ота-она ўз фарзандига ахлоқ ва одобни болалигиданоқ ўргата бошлайди. Қолаверса, ўқитувчи ва мураббийлар ҳам нима яхши-ю, нима ёмонлигини такрор-такрор айтишдан чарчамайдилар. Аммо баъзи бир "қулоқсиз" болалар ота-онасининг гапига кирмаганликлари учун кўпинча панд ейишади. Айниқса, "безори" деб ном орттирган бу болалар, "жангари" фильмлардаги салбий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилишлари ачинарли ҳол.

Умид АБДУЛЛАЕВ,
Олмазор туман прокурори ёрдамчиси
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Воқеамиз "қаҳрамонлари" ҳам ана шундай тақлидчилардан бўлиб чиқишди. Жорий йилнинг 22 март куни тунги соат 23:30ларда Олмазор тумани, Тансиқбоев-3 даҳасидаги кўп-қаватли уйларнинг олдида Дониёр Азизов, Мурод Қобилов, Шерзод Баҳромовлар (барча исм-фамилиялар ўзгартириб берилган) навбатдаги "саргузашт" учун сайрга чиқишганда уларнинг қаршисидан маст ҳолда Рустам Абдуллаев қўшиқ хиргойи қилиб тебранганча келар эди. Ўша заҳоти Мурод ёнидаги ўртоғи Дониёрни туртиб, қаршиларидан келаётган маст одамга ишора қилди:

— Дони, қара ўлжанинг ўзи қаршимиздан чиқди-ку.

— Мурод, сен олдига яқинроқ бориб сигарет сўрайсан. Келишдикми?

— Келишдик. Шерзод, сен телефонингдаги видео-камера билан съёмка қиласан. Лаллайиб, оғзингни очиб турма тағин, — деди Мурод бўйруқ оҳангида.

Йигитлар келишиб олгандек иш тутишди.

— Ока, сигаретдан борми?

Рустам оёғида зўрға туришига қарамай, Муродга танбеҳ берди:

— Ўзинг "пацан" бўлиб сигарет чакасанми? Мен ичаман, лекин сигарет чекмайман. Тушундингми? Қани туёғингни шиқиллатчи.

У йигитларга қўполлик билан сигарет чекмаслигини айтгач, Мурод унинг ёқасига ёпишди. Рустамнинг мастлигидан фойдаланиб, учала йигит уни ваҳшийларга дўппослашга тушишди. Шерзод ҳам қўл телефонидаги видео-камера билан воқеани суратга олишга улгурди. У ҳам ора-чорада жабрдийданинг дуч келган жойига мушт тушириб қўярди.

Орадан тахминан 15-20 дақиқа ўтиб, Шерзод йигитларга видео-лавҳалар етарлича олинганини айтади. Бу орада Рустам йигитларнинг муштидан қонга беланиб, икки букчайганча ётарди. Воқеани деразасидан кўриб қолганлардан бири дарҳол милицияга қўнғироқ қилади. Кўп ўтмай воқеа жойига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари етиб келади. Аммо, йигитлар бу вақтда ғойиб бўлишга улгуришган эди. Воқеани гувоҳи бўлиб, ички ишларга мурожаат қилган одам йигитлар орасидан Муродни таниб қолганини ва у унинг ўғли билан коллежда бирга ўқишини айтади. Тергов жараёнида учала йигит коллеж ўқувчилари бўлиб, улардан Дониёр билан Мурод муқаддам судланганликлари ҳам маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра жабрланувчи Рустам Абдуллаевга оғирлик даражаси бўйича ўртача тан жароҳати етказилганлиги аниқланган. Судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Дониёр Азизов, Мурод Қобилов, Шерзод Баҳромовлар ўз айбларига тўлиқ иқрор бўлиб, суддан енгиллик берилишини сўрашди. Судда жабрланувчи Рустам Абдуллаев йигитларнинг етказган тан жароҳати туфайли шифохонада ётиб даволанганлиги, бу учун кетган харажатлар судланувчилар томонидан тўлиқ қопланганлиги туфайли уларга нисбатан даъвоси йўқлигини айтди. Суд ҳукми билан Дониёр Азизов, Мурод Қобилов, Шерзод Баҳромовлар Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖда ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 44-пр-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

Қувасой шаҳар ҳокимлиги балансидаги, Қувасой шаҳар, Арсиф ҚФЙ, Янгиобод кўчасида жойлашган собиқ "Сут-товар" фермасига қарашли "Лаборатория ва қоровулхона" бино ва иншоотлари қўйилмоқда. (фаолият тури сақланмаган ҳолда)

Бошланғич баҳоси 68 154 266 сўм бўлган ва 2 (икки) йил давомида 50 000 000 (эллик миллион) сўмдан кам бўлмаган инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

"Танлов" савдоси 2012 йил 29 ноябрь куни соат 15:00да бўлиб ўтади. Талабгорлардан савдода қатнашиш учун буюртманомалар 2012 йил 28 ноябрь куни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Мазкур кўчмас мулк 2012 йил 29 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2012 йил 28 декабрь ва 2013 йил 30 январь кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

"Танлов" савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активининг бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдорида закалат пулини "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реквизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

"Танлов" савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилади.

Танлов савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ. Лицензия RR 0094**

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 31 октябрдаги 204к-ПО-сонли буйруғига асосан, "Mirzo Ulugbek Kommunal qurilish tamirlash" масъулияти чекланган жамиятига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 86а-уй манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси -87 870 743 сўм бўлган бино қисми (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) қўйилмоқда.

Давлат объектни балансда сақловчи: "Mirzo Ulugbek Kommunal qurilish tamirlash"МЧЖ.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Барча соҳаларда қурилиш ва коммунал хизматларни кўрсатиш.

Бино қисмининг қурилиш майдони 51м2.

Давлат объектини танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— энг камида 40 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— янги иш ўринларини ташкил этиш;

— архитектура-шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилган ҳолда замон талаби даражасида таъмирлаш;

— сотиб олиш тўлови ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов савдосида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар белгиланган тартибда ҳужжатларни "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали ("Савдо ташкилотчиси")-га тақдим қиладилар. Давлат "Объект"ларининг бошланғич баҳосидан 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули закалат келишувга асосан "Савдо ташкилотчиси"нинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги тўлов эвазига олади ушбу тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим: х/р 401010 86026273795010000210 01, СТИР: 200 950 435, ОКОНХ: 97400 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги амалиёт бош бошқармаси. ҳисоб-рақами: 23402000 300100001010, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бошқармаси Ҳисоб-касса маркази. банки коди: 00014; СТИР: 201 122 919.

Танлов савдоси 2012 йил 11 декабрь куни соат 11:00 да Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносининг 3-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади. Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 декабрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат Объекти 2012 йил 11 декабрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдолари 2012 йил 25 декабрь ва 2013 йилнинг 15, 29 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 25 декабрдаги савдолар учун 24 декабрь куни соат 18:00; 2013 йил 15 январдаги савдолар учун 14 январь куни соат 18:00; 29 январдаги савдолар учун 28 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 11 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 11:00да амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколати вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Танлов ҳужжатларини олиш ва Танлов савдоларини ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси,16а-уй.

Тел (факс): (8-371) 233-23-49.

Расмий сайтимиз: www.1kms.uz .

Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz http://www.rkmb.uz/

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалида ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 25 октябрдаги 90-ОД-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

1. Шеробод туман "Ободонлаштириш" бўлимига қарашли, Шеробод туман, "Дўстлик" маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 268 885 000 сўм бўлган "Омборхона ва бетон айвон биноси" қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Шеробод туман "Ободонлаштириш" бўлими

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Маиший хизмат кўрсатиш.

Ер участкасининг умумий майдони 7532,0 кв.м. ҳамда бино эгаллаган фойдали майдони 750,59 кв.м.

"Давлат активи"ни танлов савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгилансин:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— энг кўп янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш;

— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш бўйича энг яхши бизнес-режа тақдим этган "харидор" ғолиб деб топилади.

Танлов савдолари 2012 йил 3 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 30 ноябрь куни соат 18:00.

Агар билдиришномада белгиланган конвертларни очиш санасида бирорта ҳам буюртманома тушмаса ёки фақат битта буюртманома тушса танлов бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Танлов савдолари 2012 йил 3 декабрь куни ўтмаган деб ҳисобланганда, такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 10, 17 ва 24 декабрь кунлари соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танлов савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 10 декабрдаги танлов савдо учун 2012 йил 7 декабрь куни, 2012 йил 17 декабрдаги танлов савдо учун 2012 йил 14 декабрь, 2012 йил 24 декабрдаги танлов савдо учун 2012 йил 21 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалининг ХОАБ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Танлов савдолари ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биносида бўлиб ўтади.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси, Электрон почта: user100@inbox.uz. Тел: (8-376) 227-57-94 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия №RR-0001

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» ОАЖ биржа савдоларига таклиф этади!

2012 йил 3 декабрда "Тошкент РФБ" биржа савдоларига чиқариладиган давлат акция пакетлари РЎЙХАТИ

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш, (%)	Савдога чиқарилаётган акциялар сони (дона)	1 дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (сўм)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (сўм)
1	Тошкент вилояти «Дори-Дармон» ОАЖ	9,01	7 938	6500,0	74 579,55	592 012 497,0

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" ОАЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй, Тел: 232-10-45, 236-71-71. E-mail: info@ndvakt.uz, www.ndvakt.uz, www.gki.uz

«BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижалари.

№	Объект номи	Жойлашган жойи, манзили	Ҳар бирининг бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш қиймати (сўм)
2012 йил 18 сентябрь куни сотилган ер майдонлари				
1	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 1 та ер участкаси	Пешку тумани Мустақиллик м.ф.й Гулистон кўчаси ҳудудида	1 209 600	1 650 000 сўм
2	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 7 та ер участкаси	Пешку тумани Янгибозор ш.ф.й. Ўзбекистон кўчаси ҳудудида	1 209 600	1 600 000 дан 1 800 000 гача
3	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 4 та ер участкаси	Пешку тумани Чибогони қ.ф.й. Чалмагадой қишлоғи ҳудудида	480 000	630 000 дан 700 000 гача
4	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 та ер участкаси	Пешку тумани Зандани қ.ф.й. Зандани қишлоғи ҳудудида	480 000	630 000 дан 700 000 гача
2012 йил 30 октябрь кунида сотилган ер майдонлари				
1	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 та ер участкаси	Пешку тумани Зандани қ.ф.й. Зандани қишлоғи ҳудудида	480 000	700 000 сўмдан
2012 йил 7 август кунида сотилган кўчмас мулк				
1	Кўчмас мулк бино ва иншоотлари мулклари жамланмаси	Бухоро шаҳар Когон шоссеси кўчаси 20ª-уй	250 600 000	290 000 000

"Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти. Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0029, E-mail: bg_rieltor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

Диққат танлов!
Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1743-сонли Қарорига асосан ноллн харид қийматида инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ўтказиш муддати — 2012 йил 31 декабрь. Танлов бўлиб ўтмаган объектлар бўйича 2012 йил 15-30 январь ҳамда 15-29 февраль кунлари қўшимча танлов ўтказилади.

Танлов ўтказиш жойи — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги. Танловга қўйиладиган объектлар ва ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

№	Объект номи	Жойлашган жойи	Тармоққа мансублиги	Танлов шарти		
				Инвестиция сўммасининг энг кам миқдори (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Яратиладиган янги иш ўринлари (дона)
1	Собиқ "Ёғочни қайта ишлаш корхонаси"нинг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Қарши шаҳри	Ҳокимият	250,0	1	15
2	Ёшларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Қамаши шаҳри	Ҳокимият	20,0	1	5
3	Фойдаланилмаётган Иссиқхона	Касби тумани	Ҳокимият	25,0	6 ой	5
4	Касби Сут комбинати биноси	Касби тумани, Муғлон қишлоғи	Ҳокимият	600,0	2	20
5	Ёнғин хавфсизлиги бўлимининг бино ва иншоотлари	Касби тумани, Дўстлик кўчаси	Ички ишлар вазирлиги	30,0	1	5
6	Ҳаммом бино ва иншоотлари	Миришкор тумани, Помуқ қишлоғи	Ҳокимият	30,0	1	6
7	Қурилиши тугалланмаган 2 қаватли турар жой биноси ва иншоотлари	Нишон тумани, Наврўз МФЙ.	Ҳокимият	350,0	2	Турар жой
8	Қурилиши тугалланмаган консерва заводининг бино ва иншоотлари	Нишон тумани, Наврўз МФЙ.	Ҳокимият	300,0	2	16

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган энг кам инвестиция мажбуриятидан кам бўлмаган миқдорда активлар, шу жумладан, пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун инвестор эълон қилинган танлов ўтказиш санасидан камида уч кун олдин ҳудудий комиссиянинг кўриб чиқиши учун муҳрланган ёпиқ конвертда қуйидаги ҳужжатларни танлов комиссиясининг ишчи органи — вилоят Давлат мулки бошқармасига тақдим қилади:

1. Танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза.

2. Юридик шахсларга Низом, охирги ҳисобот даври (чорак, йил) даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор хулосаси нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан тўловга лаёқатлилиги тўғрисида маълумотнома.

Жисмоний шахсларга паспорт нусхаси, белгиланган инвестиция сўммасининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда активлар, шу жумладан, пул маблағлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

3. Номзод вакилига амалдаги қонунчиликка асосан берилган ишончнома (агар номзод ишончли вакил кўрсатса).

4. Танлов натижаларини маълум қилиш учун манзил, телефон ёки факс рақами.

5. Алоҳида муҳрланган конвертда солинган танлов таклифи.

Танлов таклифида бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги, ҳомашё ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара, шунингдек, сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари қайд этилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиси ғолиб деб топилган тақдирда, 10 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилотга баҳолатади ва баҳолаш хизмати билан боғлиқ харажатларни ўзи тўлайди.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссиясига, вилоят ҳокимлигига ёки вилоят Давлат мулки бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Шунингдек, танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органи ҳисобланган вилоят Давлат мулки бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси 43-уй. Вилоят Давлат мулки бошқармаси
Маълумот учун тел: (8-375) 225-03-11, 225-02-31, 225-03-51.

Ҳар гал фарзандларим ва жиянларимни тиббий кўрикдан ўтказиш чоғида Ирода опа билан учрашиб, маслаҳат олишга одатланганман. Сабаби оддий, у ўз касбининг устаси, болалар касалликлари бўйича зўр мутахассис. Болаларни гапга сола-сола текширувдан ўтказаётган Ирода опани кузатаман. Шу пайтда ўзи ҳам бола бўлиб ўйноқлагиси келиб кетади. Текширувдан кейин ҳам негадир уларни қўйиб юборгиси келмагандек, узоқ суҳбатлашиб ўтиради. Лекин юзидан қалбининг туб-тубида чексиз изтироб чўкиб ётганини илғаш қийин эмас.

Ёмоннинг кучи

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

Одатдаги учрашувларнинг бирида оиласи, болалари ҳақида гап очилиб қолди. Ҳозиргина жилмайиб турган юзлар бирдан ўзгарди.

— Бир кун ўртамизда шу ҳақда гап очилишини биларди м, — Ирода опа ҳолсиз курсига чўкди. — Гоҳида сўрамаса ҳам негадир кимгадир кўнглингни очинг келади. Мен эса ойнадаги аксим билан дардлашаман. Майли, сизга бошимдан ўтганларини айтганим бўлсин. Зора, енгиллашсам!

...Тиббиёт институтида олам-олам орзулар билан ўқий бошладим. Ҳусним, кўриб турганингиздек айблайдиган эмас. Ортимдан қанча йигитлар эргашса-да, мен фақат кўпроқ илм эгаллаш, ҳар бир дарсдан нимадир олиб қолиш хаёли билан яшардим. Шу зайлда сўнгги босқичга аъло баҳолар билан ўтдим. Хаёлан қишлоғимга учаман, гўё.

Шундай кунларда уйимизга совчилар келишибди. Куёв бўлмиш ҳам Тошкентда эндигина ўқишини тамомлаган экан. Ота-онамга жуда маъқул келибди. Хуллас, икки томон ўзаро келишиб, тўй қилишмоқчи бўлишибди. Бўлғуси куёв билан онаси мени кўриш учун Тошкентга келишган.

Бу гаплардан асло хабарим йўқ. Ҳамма имтиҳонларни топшириб, отам билан онамни хурсанд қиламан, деган умид билан қишлоққа бордим. Бордим-у севинчларимдан асар ҳам қолмади. У ерда ўзим ҳақимдаги гап-сўзларни эшитиб, эсхонам чиқиб кетди.

Тошкентга мени излаб келган совчилар ётоқхонадаги бир фаррош билан учрашиб қолишган. Аёл улардан мен нима учун керак бўлганимни сўраган. Совчилар ҳаммасини батафсил тушунтиргач, ҳалиги аёл: "У қиз яхши эмас, сизнинг шўрингизни қуритади. Мен уни яхши биламан. Йўқ, барибир келин қиламан, десангиз қилаверинг-у, лекин у ёмон йўлларга кириб кетган", — дебди. Қишлоқда ғийбат қанчалик тез овоза бўлиб кетишини сизга гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу гап-сўзлар менга туфлимнинг чангидек бўлиб туюлди. Аммо касалманд ота-онамнинг бемаъни, гапиришга ҳам арзимайдиган майдагап одамлар туфайли баттар оғриб қолишига чидай олмадим. Ўзингизга қанчалик тўғри бўлманг, барибир гап-сўз инсонни кўпчилик ўртасида бошини эгаркан. Ҳозир қишлоққа боришга оёғим тортмайди. "Ёмонга даво йўқ" деб шуни айтишади-да! Бўлмаса, мен кимга ёмонлик қилувдимки, у мен ҳақимда билиб-билмай шунчалик гапиришга борди?!

Кейин оила қуришдан ҳам чўчиб қолдим. Ҳозир ўзим ёлғиз яшайман. Бутун меҳримни, ҳаётимни касбимга, болаларга бағишладим. Тинмай изландим. Гоҳида менинг ҳам бир қучоқ болаларим, кечиксам, хавотиримни қилувчи турмуш ўртоғим бўлишини жуда-жуда хоҳлайман. Бироқ ўша ҳадик мени яна ортга чекинтиради. Болаларингиз билан узоқ чуғурлашишим ҳам шундан. Улар билан анча дардларим узоқлашади. Ана шунақа!

Ирода опага нима деярмини билмай туриб қолдим. Ҳар нечук, опанинг ўзи яна жонимга оро кирди:

— Агар малол келмаса, болаларингиз билан тез-тез келиб турсангиз, ўрганиб қолганман. Ёшим ўттиз бешдан ошди. Энди менга туғишни ким қўйибди?! Эр қилишни шунинг учун ҳам ўйламай қўйдим. Қабулга келган болаларга меҳр билан шифо улашсам бас!

Ирода опа билан хайрлашиб чиқдиму, хаёлимни бир савол банд этиб олди: наҳот инсон ўзга инсон тақдири билан беписанд ўйнашаверса?! Ахир бунинг натижасида бир бокира қиз аянчли қисмат соҳибасига айланди-ку?!

Дилимни яна бир юпанч аллалайди. Ўйлайманки, Аллоҳ кўргувчи, эшитгувчи, билгувчидир. У ҳеч кимнинг дилини вайрон қилишга йўл қўймайди. Бу қилмиши учун ўша аёл ҳам жазосиз қолмас...

Айтганча, яқинда яна Ирода опани излаб боргандим, ҳамкасблари бир ҳафта олдин аёли оламдан ўтиб, икки фарзанди билан қолган кишига турмушга чиққанини, бошқа шаҳарга кўчиб кетганини айтиб қолишди. Илоҳим, опанинг бахтини берсин!

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк (ОАЖ) Сизларни яқинлашиб келаётган Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллик байрами билан қутлайди ва қуйидаги хорижий валютадаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади!

"Мақсадли-2012" — АҚШ долларида.
Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"Кафолатли-2012" — ЕВРОда.
Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- ***солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;***
- ***маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;***
- ***эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;***
- ***миқдори чекланмаган.***

Хизматлар лицензияланган.

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay`ati:

Abbosxon SANGINOV	Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV	*(Bosh muharrir o'rinbosari)*
Gulnoza RAHIMOVA	
Yusupboy G'OIPOV	Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA	*(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[T] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5642. 45 847 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617